# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 36 (1111), 2017 йил 7 сентябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аввало амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишига мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги асосий сабаб бўлди.

Жумладан, валютани тартибга солишга ҳаддан зиёд маъмурий аралашув, ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва хўжалик юритувчи субъектлари учун алоҳида имтиёз ва преференциялар мавжудлиги оқибатида тадбиркорлик субъектлари ўртасида бизнесни юритишга доир тенг бўлмаган шарт-шароитлар пайдо бўлди ҳамда параллел чет эл валютаси бозори ва айирбошлаш курси вужудга келди.

Валюта курси сиёсатининг ташқи савдони рағбатлантиришдаги ролининг сусайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлари нархларининг ташқи ва ички бозордаги рақобатдошлигини пасайтирди.

Мамлакатимизда фақатгина бозор механизмлари асосида фаолият кўрсатадиган валюта бозорини шакллантириш барча банкларнинг мижозлар (юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар) эҳтиёжларини қондириш мақсадида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш учун валюта биржаси савдоларида эркин иштирок этишини, шунингдек, мижозларнинг чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалдаги тартиб ва техник регламентларига риоя этган ҳолда ўз валюта маблағларини ҳеч қандай чекловсиз тасарруф этишини тақозо этади.

Мазкур Фармон билан юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ва сотилиши кафолатланади.

*(Давоми 2-бетда).*

## Яхшилик ва меҳрибонлик айёми

**Халқимизда азалдан эзгу ишлар, савоб амаллар қадрият ва анъана сифатида қон-қонимизга сингиб кетган. Бундай саховатпешалик айниқса, байрам кунлари яна ҳам аниқроқ намоён бўлади. Чунки шодиёна кунларда нуроний кексалардан, ижтимоий ҳимояга муҳтожлардан ёки меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда ногиронлардан хабар олиш элимиз учун одатий ҳол.**

Энг азиз байрам – мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги шодиёнаси, қолаверса, Қурбон Ҳайити айёми ҳамда 1 сентябрь «Билимлар куни» арафасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан бир қатор эзгу амаллар қилинди. Байрам кунлари қалбларга хурсандчилик улашиш мақсадида Ногирон болалар «Камалак» уйи билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож ногирон болалар учун хайрия тадбири уюштирилди.

Таъкидлаш жоиз, Мирobod туманида жойлашган Ногирон болалар «Камалак» уйи болажонларнинг севимли масканига айланган. Чунки улар бу ерда устоз-шогирд анъаналари асосида ўзларини қизиқтирган тикувчилик, компьютер саводхонлиги, рассомчилик, косибчилик каби турли йўналишларда касб-ҳунар ўрганишади.

*(Давоми 4-бетда).*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини ўрнатиш тўғрисидаги

## АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан валюта бозорини янада либераллаштириш соҳасидаги давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини ўрнатишда фақатгина бозор механизмларини қўллашдан иборатдир.**

2003-2017 йилларда курсни шакллантирувчи омиллар динамикасининг таҳлили асосида, шунингдек, банклар томонидан импортёр корхоналарга шартномавий курс бўйича чет эл валютасини сотишнинг синов савдолари натижаларини инобатга олган ҳолда, бугунги кунда валюта курсининг мувозанат даражаси ҳисоб-китобларга кўра, 1 АҚШ доллари учун 8000-8150 сўмни ташкил этмоқда.

Шу муносабат билан, Марказий банкнинг валюта курси 2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб 1 АҚШ доллари учун 8100 сўм даражасида ўрнатилмоқда.

Марказий банкнинг курси, аввалгидек, ҳар душанба куни ўтган ҳафта давомида валюта биржасида ўтказилган савдоларда қайд этилган курсларнинг ўртача қиймати даражасида белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун ишлатилади.

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича банклараро савдо сессиялари Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ҳар куни ўтказилиб, бунда валюта курси чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида аниқланади ҳамда валюта биржасининг сайтида эълон қилиб борилади.

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.*

## Тўйга тўёна билан

**Қўшалоқ байрам кунлари омонат тиражида ютуққа машина чиқиб турса, бу учинчи байрамдан, хурсандчиликдан ўзингни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Мана шундай ҳолат юртимизда 14 нафар кишига насиб этди.**



Аввал хабар қилганимиздек, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан аҳоли ўртасида «Имконият» ютуқли омонат бўйича тиражли ўйин ўтказилиб, унда жами 490 та ютуқ ҳамда бош соврин сифатида 14 та Спарк автомобили ўз эгаларини топди.

Мазкур тираж ўйинининг дастлабки босқичи пойтахтимизда «Ипотека-банк» АТИБнинг Меҳнат филиалида бўлиб ўтган бўлса, қизғин, ҳаяжонларга бой ўтган ўйинлар республикамизнинг ҳар бир вилоятида ташкил этилди.

«Ипотека-банк» томонидан ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда банк раҳбарияти, тегишли идора ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ғолиблар иштирок этди. Ғолибларга машина калитлари тантанали равишда топширилиб, шодиёналар байрамларга улашиб кетди.

*– Ғолиб бўламан деб ҳеч ҳам ўйламагандим, – дейди* ***совриндорлардан бири Ғуломжон Зокиров.*** *– Айниқса, мана шундай байрам кунлари машина ютишимиз кутилмаган воқеа бўлди. Кишиларга шодлик улашадиган бундай лойиҳалар яна ҳам кўпаяверсин. Ҳам арзон уй олаяпмиз, ҳам автоуловли бўлдик. Бу биз учун байрам устига байрам бўлди. Бундай имконият бошқа тўйларда бўлмаса керак. Етказганига шукр.*

Шу куни бундай сўзлар кўплаб ғолиб иштирокчилар дилидан ўтган бўлса ажабмас. Чунки улар ҳам уй-жойли, ҳам машинали бўлди. Тўйга тўёна билан дегани шу бўлса керак-да.

***Бобур МУҲАММАДИЕВ.***

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига шарҳ

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Хусусан, **юридик шахслар** ўз маблағларини банкларда жорий халқаро валюта операцияларини, шу жумладан, товар, иш ва хизматлар импорти, фойдани репатриация қилиш, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа савдо характерига эга бўлмаган операцияларни амалга ошириш учун чет эл валютасига чекловларсиз эркин конвертация қилишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жорий халқаро операциялар бўйича тўловларни банклардаги ҳисобварақлар орқали амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бозор курсида чет эл валютасини сотиб олиш имкониятининг яратилиши «яширин» иқтисодиётнинг қисқаришига ва пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишга хизмат қилади.

**Жисмоний шахслар** ҳам тижорат банкларининг конверсион бўлимларида чет эл валютасини эркин сотиб олиши, сотиб олинган маблағларни халқаро тўлов карталарига ўтказиб, улардан хорижда ҳеч қандай чекловларсиз, шу жумладан, банк ҳисобварақлари орқали хорижда ўқиш, даволаниш ва бошқа мақсадлардаги тўловлар учун фойдаланиши мумкин.

Халқ истеъмол товарларини импорт қилиш билан шуғулланувчи **якка тартибдаги тадбиркорлар** банклардаги ҳисобварақларида савдо тушумини ва бошқа даромадларини жамғариб борган ҳолда кейинчалик уни жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда, яъни сотиб олинган валюта маблағларини халқаро тўлов карталарига ўтказиш ва чет элда чекловларсиз, шу жумладан, товарларни импорт қилиш учун ишлатиши мумкин.

Аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш тижорат банкларининг барча филиал ва мини-банклари томонидан чекланмаган миқдорда ва сарсонгарчиликсиз амалга оширилади.

Бундан ташқари, банклар томонидан аҳоли билан валюта айирбошлаш операцияларини сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини соддалаштириш;

байрам ва дам олиш кунларида валюта айирбошлаш шохобчаларининг узайтирилган иш тартибини жорий қилиш;

тижорат банкларининг филиалларида ва мини-банкларида, айниқса, йирик савдо марказлари ва бозорларда қўшимча валюта айирбошлаш шохобчаларини очиш;

конверсион бўлимлар орқали чет эл валютасини сотишда олинадиган воситачилик ҳақи миқдорини имкон даражасида пасайтириш чораларини кўриш;

халқаро тўлов карталаридан хорижда фойдаланишда мавжуд барча чекловни бекор қилиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уларга чет эл валютасидаги даромадларини ўз хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш, бунда банк ҳисобварақларидан нақд чет эл валютасини ечиб олишгача бўлган ҳуқуқ берилади.

Кейинги йилларда экспортчиларни рағбатлантириш учун кўплаб ишлар амалга оширилди, уларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кўплаб имтиёзлар берилди, экспорт фаолиятини ташкил этиш бўйича қатор тартиботлар бекор қилинди. Экспорт борасида мавжуд имтиёзларга қарамасдан валюта тушумини мажбурий сотиш талаби экспортни янада рағбатлантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб, экспортчилар ўз валюта тушумини тўлиқ тасарруф этиш имкониятига эга эмас эди, бу эса экспортни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатга мос келмайди.

Шу сабабли мазкур Фармон билан товарлар (иш, хизматлар) **экспортидан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби** мулкчилик шакли ёки экспорт қилинаётган маҳсулот туридан қатъи назар, барча экспортчи ташкилотлар учун **бутунлай бекор қилинди.**

Бозор тамойиллари асосида валюта ресурслари оқимининг самарадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, ташқи савдода валюта сиёсатининг рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида **миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан айирбошлаш курси фақатгина** валюта биржасининг банклараро электрон савдоларида валютага бўлган **талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.**

Бунда айирбошлаш курсини бозор механизмлари асосида шакллантириш мақсадида банклараро савдоларда Марказий банкнинг иштироки камайтирилади. Алоҳида ҳолларда Марказий банк айирбошлаш курсининг ҳаддан ортиқ тебранишини бартараф этиш учун хорижий валютани сотиш ёки сотиб олиш операцияларини амалга ошириши мумкин.

Айирбошлаш курсини эгилувчан ҳолда тартибга солиш республикага келадиган барча валюта ресурслари (экспорт тушуми, трансчегаравий пул ўтказмалари ва бошқалар) оқимининг расмий бозорга келиб тушиши орқали чет эл валютасига бўлган жами талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ва олтин-валюта захиралари ҳажмларини аввалгидек юқори даражада сақлаб қолиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, хорижий валютани эркин сотиб олиш ва сотиш имконияти ва миллий валюта айирбошлаш курсини бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда белгилаш мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлиги ва рентабеллигини ошириш билан бир қаторда мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги технологиялар ва билимларни жалб қилиш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, айирбошлаш курсининг либераллаштирилиши экспорт имкониятларини оширишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб, бу ноанъанавий соҳа ва тармоқларда экспорт ҳажмининг ортишига кўмаклашади ва айирбошлаш курсига таъсирчан товар экспортчиларининг молиявий ҳолатини нафақат экспорт ҳажмининг ошиши, балки олинган даромадларни миллий валютага қайта ҳисоблаганда вужудга келадиган фойда ҳисобидан ҳам тубдан яхшилайди.

Валюта сиёсатини ислоҳ қилишга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

*ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБИ*

# Касбига фидойи инсон

**Фидойилик нима ўзи? Бир умр борлиғини ўз касбига бағишламоқ бўлса керак, назаримда. Бундай хусусият ҳар кимда ҳам намоён бўлавермайди. Айниқса, аёлларда. Чунки оила, уй-рўзғор ташвишларидан ортиб, бир касбга меҳр қўйиш, борини бериш жуда қийин.**

Албатта, аёл киши учун оила, фарзандлар тарбияси биринчи ўринда. Бундан ортиб, ўз касбига садоқат кўрсатиши эса ҳақиқий фидойилик саналади. Ана шундай инсонлардан бири Зулайҳо Жўраевадир. У киши мана 35 йилдирки, банк тизимида фаолият юритиб, оиласининг ҳам, Ватанининг гуллабяшнашига ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. У кишининг шундай заҳматли меҳнатлари жавобсиз қолмади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Айни дамда Зулайҳо опа «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Қишлоқ қурилишини кредитлаш департаменти бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда. У киши билан суҳбатлашгани борганимизда, «бизни ёзиб нима қиласиз», дея камталик билан гап бошлади. Суҳбатимимиз анча самимий кечди. Гапни чўрт кесадиган, ёлғон ва ноҳақликка тоқати йўқ опанинг хушчақчақлиги, тўғрисўзлиги ҳар бир кишини ўзига жалб этади.

– *Шунча йиллик фаолиятим давомида бирор марта виждонимга қарши бормадим,* – дейди Зулайҳо Жўраева. – *Ким бўлишидан қатъи назар, қорани қора, оқни оқ деб келдим. Шунинг учун ҳам бирор жойда қоқилмадим. Не қилсам ҳам доим қалбимга, виждонимга қулоқ тутдим. Шунинг учун доим кўнглим хотиржам, юзим ёруғ. Ўз касбимни эса яхши кўраман. Чунки айни кунларда қишлоқлардаги намунали уй-жойларни кўриб, яна ҳам хурсанд бўламан. Уларнинг қурилишида ўз ҳиссам борлигидан ғурурланаман.*

Аёл киши қандай қилиб «Қишлоқ қурилиш банк»да ишлаяпти, деган савол туғилиши мумкин. У ерда қурилишга тиши ўтадиган киши бўлиши кераксмасми? Тўғри, шундай. Гап шундаки, опа иккита мутахассисликка эга. Бири инженер бўлса, бири банкирлик. У киши биринчи инженерликни касб қилган бўлса, қизиқишлари банк соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Буни қарангки, бу икки мужассамлик 2009 йил қишлоқ жойларда намунали уй-жойларни барпо этиш ҳақидаги дастурни ижро этишда қўл келди. Чунки шу йили «Қишлоқ қурилиш банк» ташкил этилиб, унга ҳам қурилишни, ҳам банк тизимини биладиган мутахассислар керак бўлди. Зулайҳо опа эса ана шундай икки соҳани чуқур биладиган инсонлардан эди. Банк фаолиятини, айниқса, кредитлаш тизимини тўғри йўлга солишда у кишининг анчагина меҳнати сингган. Зулайҳо опа ҳақида у кишининг шогирдларидан бўлган департамент бошлиғи ўринбосари Аъзам Тиллаев шундай дейди:



– *Устоз билан кўп йиллардан буён бирга ишлаб келаман. Чиндан ҳам у кишини ўз касбининг ҳақиқий фидойиси десак бўлади. Чунки эрталаб ҳаммадан биринчи келиб, ҳаммадан кеч кетади. Доим иш устида. Бир ишга киришдими, ҳал қилмасдан қўймайди. Ушлаган жойини узадиганлардан. Жойи келганда қаттиққўл, жойи келганда эса меҳрибон. Айниқса ҳаммага бирдек кўмакдош, қўлидан келган ёрдамни аямаслигини алоҳида таъкидлаган бўлардим. Яна бир яхши одати – ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Доим олға интилади. Бизга ҳам шуни ўргатади, керак бўлса талаб қилади. Бугун қишлоқ қурилиш дастурининг ривож топишида устознинг хизматлари беқиёс эканини айтиш жоиз.*

Зулайҳо Жўраеванинг ҳамкасблари уни ҳақиқий меҳнаткаш, фидойи, дея эътироф этадилар. Шу билан бирга, у меҳрибон она ҳам. Ишдан ортиб, уч фарзандни тарбиялаб, олий маълумотли, уйли-жойли қилишнинг ҳам ўз машаққати бор. Бу ҳақда опанинг ўзидан сўраганимизда: «Бугунги ютуқларимда раҳматли турмуш ўртоғим ва яқинларимнинг чексиз ҳиссалари бор. Улар доим мени тушуниб, таянч бўлишган. Шуларни ўйласам, Яратганга бениҳоя шукроналар айтаман. Чунки бутун умр ўз севган касбим, меҳрибон инсонлар билан биргаман. Шунинг ўзи менга куч бериб, доимо олға ундайверади».

Дарҳақиқат, мана шундай фидойи инсонлар бор экан, юртимиз янада равнақ топиб бораверади. Шундай шукуҳли дамларда Зулайҳо опани мукофот билан табриклаймиз. Толеингиз бундан баланд бўлиб, азму шижоатингиз ҳеч қачон сўнмасин, доимо соғ-саломат бўлиб, меҳнатдан ҳеч қачон ҳориманг деймиз.

*Бобур МУҲАММАДИЕВ.*

бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишдаги биринчи зарурий қадам сифатида қаралмоқда ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан пул-кредит, солиқ-бюджет ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарали мувофиқлаштирилишига боғлиқ.

Айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлашда пул-кредит кўрсаткичларининг ўзгариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, Марказий банкка монетар инструментлардан фаол ва кенг равишда фойдаланиш орқали миллий валютанинг барқарорлигини ва инфляциянинг паст даражада бўлишини таъминлаш, пул массаси ҳаддан зиёд ва асосланмаган ҳолда ўсишининг олдини олиш, давлат харажатлари ва даромадларининг мутаносиблигини таъминлашга қаратилган қатъий монетар сиёсат юритиш вазифаси юклатилган.

Фармонда кўзда тутилган фискал чора-тадбирларни кўриш, яъни бюджет харажатларини қатъий равишда Давлат бюджетига келиб тушган даромадлар доирасида амалга ошириш, 2017-2018 йилларда Давлат бюджетини профицит билан ижро этиш имконини беради.

Бунда иқтисодиётда нархлар ўзгариши устидан самарали назоратни таъминлаш ҳамда монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган пул-кредит сиёсатининг янги тамойил ва механизмларини жорий қилиш муҳим ўрин тутади.

Валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлаш борасида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни назорат қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Банк тизимининг барқарорлиги нафақат мижозларнинг хорижий валютага бўлган талабини қондириш нуқтаи назаридан, балки кредит портфели, депозит базаси ва кўрсатилаётган хизматлар таркибида кутилаётган сифатли ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир.

Шу муносабат билан банк тизимининг барқарорлиги тижорат банкларининг капиталлашув даражасини сақлаш, пруденциал назоратни кучайтириш, шунингдек, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг содир бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали таъминланади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг дастлабки босқичи сифатида давлат банкларининг устав капиталига 655 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ киритилганини таъкидлаш жоиз. Банкларнинг ликвидлигини таъминлаш учун уларга қайта молиялаштириш кредитларини бериш механизми жорий қилинди.

Президент Фармонида илғор халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда содир бўлиши мумкин бўлган банк хатарлари тўғрисида барвақт огоҳлантириш, уларни баҳолашни такомиллаштиришни ўз ичига олган қатор банк назорати ва мониторинги инструментларини жорий қилиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Шунингдек, мазкур Фармонда:

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларидаги чет эл валютасидаги маблағларини қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган молиявий натижа солиққа тортиш базасига киритилмаслигини кўзда тутувчи вақтинчалик тартиб жорий этиш;

иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда банкларнинг кредитларини реструктуризация қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Халқаро валюта фондининг баҳоларига кўра, валюта сиёсатини либераллаштириш ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иш ўринлари яратиш ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қисқа муддатли истиқболда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига нисбатан вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида аниқ манзилли ва шаффоф ижтимоий нафақа ва субсидиялар жорий этиш, касаначиликка, томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишга кенг жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг турмуш шароитларини имтиёзли микрокредитлар ажратиш орқали яхшилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Банд бўлмаган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, жумладан, уй-жой фонди объектлари ва уй-жой коммунал инфратузилмаси, кўчалар, йўллар, маҳаллалар ҳудудлари, ижтимоий-маданий аҳамиятдаги объектлар, ирригация тармоқларини ободонлаштириш ва таъмирлаш, шунингдек, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари ва имконияти чекланган шахсларга ёрдам беришга жалб қилиш кўзда тутилган **янги механизми** жорий қилинаётганини қайд этиш лозим.

Валюта айирбошлаш курсини либераллаштиришнинг товар ва хизматлар, айниқса, халқ истеъмоли товарларига ички нарх-навонинг шаклланишига таъсирини камайтириш мақсадида амалдаги божхона меъёрлари ва тўловлари ставкаларини тубдан қайта кўриб чиқиш вазифаси белгиланди.

Бундан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш Республика ва доимий фаолият юритадиган ҳудудий комиссияларга нархларнинг барқарорлигини ва бозорларнинг истеъмол товарлари билан тезкор тўлдирилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Мазкур Фармон билан миллий валютага бўлган ишончни кучайтиришга қаратилган қатор нормалар белгиланди. Кейинги йилларда айрим товар ва хизматларни (автомобиллар, авиачипталар ва бошқалар) республика ҳудудида чет эл валютасига сотиш амалиёти тадбиркорлар ва аҳолига ноқулайликлар яратиб, уларнинг эътирозига сабаб бўлаётган эди.

Бундан ташқари, товар ва хизматлар нархини чет эл валютасида ўрнатиш ҳолатлари ҳам Марказий банк расмий курси ўзгариши оқибатида нархларнинг миллий валютага ҳисобланганда асоссиз равишда ошишига олиб келаётган эди.

Бундан буён республика ҳудудида барча товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар ва тўловлар, давлат божларининг ундирилиши, товар ва хизматлар нархларининг белгиланиши фақат миллий валютада амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига қулай шароитлар яратиш мақсадида мазкур Фармон билан чет эл валютасида ажратилган кредитларни банкнинг кредит сиёсати ва томонларнинг келишуви асосида миллий ёки чет эл валютасида қайтарилишига рухсат берилди.

Валюта бозорини либераллаштириш жараёнида давлат иқтисодий сиёсатининг мазкур Фармонда белгиланган устувор йўналишларининг тўлиқ ижроси таъминланиши барча ташқи савдо фаолияти қатнашчиларига тенг шароит яратади ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг мавқеини кучайтиради, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

**ЎзА.**

# Аҳоли учун янада кенг имконият

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан аҳолига тақдим этилаётган истеъмол кредитларининг шартлари қайта ишлаб чиқилди.**

Унга кўра, кредитнинг минимал миқдори энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача (ҳозирги кунда 44 932 500 сўм), 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Истеъмол кредити уй жиҳозлари, уй-рўзғор буюмлари, маиший техника ва буюмлар, саёҳат ёки сиҳатгоҳ йўлланмалари, қурилиш маҳсулотлари ҳамда тайёр қурилиш маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, спорт, фитнес анжомлари, тиббиёт аравачалари ва бошқа соғлиқни тиклаш анжомларини сотиб олиш учун ажратилади.

Шунингдек, кредит кўп қаватли хонадонлар ва ҳовли-жойларни таъмирлаш ишлари, хонадонларга газ, электр, сув улаш хизматлари, даволаниш хизматлари, тўй маросимлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш, автотранспорт воситаларига метан, пропан газ мосламаларини ўрнатиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш хизмати, махсус ўқув курсларида ўқиш ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадлар учун тўловларни амалга оширишга тақдим этилади.

Кредит таъминоти сифатида мол-мулк гарови (жумладан, кредит ҳисобига сотиб олинадиган мол-мулклар), пул маблағлари ва унга доир ҳуқуқлар, учинчи шахс кафиллиги ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа гаров турлари қабул қилинади.

Уни расмийлаштириш учун зарур ҳужжатлар сирасига кредит олиш учун ариза, паспорт ёки шахс ва турар жойни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат, иш жойидан олинган, даромадни тасдиқлайдиган, белгиланган тартибда расмийлаштирилган маълумотнома ёки олинган даромад (маблағ)ларни ҳужжатлаштирилган тарзда тасдиқлайдиган ҳужжат, кредитнинг қайтарилишини таъминлайдиган ҳужжатлар ҳамда товар ва хизматларни сотиб олиш юзасидан шартнома киради.

Таъкидлаш жоиз, ТИФ Миллий банки иқтисодиёт тармоқларига йирик миқдордаги инвестицияларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш билан бир қаторда жисмоний шахсларга мўлжалланган ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари ҳажмини ҳам мунтазам ошириб, жамият ижтимоий ҳаётида фаол қатнашмоқда.

*Юлдуз ЗОКИРОВА.*

# Замон билан ҳамнафас

**Халқимизда «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деган ажойиб нақл бор. Замонавий технологиялар қамраб олаётган бугунги кунда бу мақол таъсири яна ҳам ошгандек. Чунки қайси соҳа бўлмасин, компьютер технологияларини жорий этиш тараққиёт белгисига айланиб, аҳолининг иш қуроли эса сўнгги русумдаги техникалар бўлиб қолди.**

Шунинг учун ҳам қайси соҳа бўлмасин, замонавий ахборот технологияларини тизимга жорий этишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса иш самарадорлигини ошириб, соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилаётир.

Жумладан, Республика товар-хомашё биржаси ҳам замон билан ҳамнафас равишда тизимда ахборот технологияларини кенг жорий этиш масаласига жиддий ёндашиб келмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси томонидан «Биржа савдо инфратузилмасининг модернизациялашуви ва электрон тижоратнинг янги имкониятлари» мавзуида ташкил этилган пресс-турда таъкидлаб ўтилди. Унда журналистлар биржа марказий биносини реконструкция қилиш, унинг АКТ инфратузилмасини модернизациялаш натижалари ва электрон тижорат соҳаси истиқболлари билан танишди.

*– Бино фасади ва ички интерьери тўла янгиланди, брокерлар савдо зали модернизация қилинди, хоналар замонавий технологик асбоб-ускуна ва алоқа воситалари билан жиҳозланди, – дейди **биржанинг Харидлар ва ишлар бошқаруви бўйича директори Бунёд Зуннунов.** – Мижозларга хизмат кўрсатиш ва меҳмонларни қабул қилиш зоналарига электрон навбатда туриш терминали, маълумотлар учун «LED» монитор ва ахборот киосклари ўрнатилди. Янгиланган савдо залида электрон савдо натижалари ва биржа котировкаларини намойиш этиш учун ахборот мониторлари ва рангли электрон табло ўрнатилди.*

*(Давоми 10-бетда).*

# Пластик карточкаларни оммалаштириш – давр талаби

**Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан жорий йилнинг январь-июль ойлари давомида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 241,5 минг донага кўпайтирилиб, 3 млн. 734 мингтага, жойларга ўрнатилган терминаллар сони 1 228 тага оширилиб, 28 056 донага етказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2751-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, АТ Халқ банки томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, пластик карточкалар, терминаллар ва тегишли ускуналарга бўлган талаб-эҳтиёжларни қондириш, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини камайтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, муассаса пластик карточкалар асосида хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталарига янги ўрнатган терминаллари сонини йил бошидан буён 4,6 фоизга ошириб, 28 056 донага етказди. 84 дона инфокиоск ва 21 дона банкоматнинг мунтазам ишлашини таъминлади.



Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра, банк пластик карточкалари ҳисобварақларига 3 592,3 млрд. сўм миқдорида маблағлар кирим қилинди.

Терминаллар орқали 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 926,6 млрд. сўм ёки 30,0 фоизга кўп, яъни 3 998,9 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Халқ банки томонидан пластик карточкалардан фойдаланувчиларнинг уларни ишлатишдан манфаатдорлигини ошириш ва рағбатлантириш йўналишидаги изланишлар давом эттирилмоқда.

Бу борада ўтган вақт мобайнида муассасада мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб жорий қилган янги ва такомиллашиб бораётган хизматлари хусусида тўхталиб, бюджет ташкилотлари ходимлари ойлик иш ҳақлари ҳамда пенсионерларнинг пенсия маблағлари рўйхатини электрон кўринишда қабул қилган ҳолда уларнинг пластик карточкаларига автоматик равишда кирим қилиниши йўлга қўйилганини, хизматлар ва товарлар учун тўловларни мобиль телефон орқали амалга ошириш имконини берувчи «мобиль савдо» интерактив хизмати «Click» тизимига уланган ҳолда ишга туширилганини қайд этиш мумкин.

Бундан ташқари, банк пластик карточкаларига эга мижозлар муассасанинг «PayMe» ва «Click» тўлов тизимлари билан ҳамкорлигидан ҳам миннатдор. Ҳозирги кунда банк мазкур ҳамкорлари орқали кредит сўндириш тизимини ҳам йўлга қўймоқда.

Банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва уйғунлаштириш, халқаро пластик карталар стандартлари, қоидалари ва тартиботлари асосида илғор ютуқларни жорий қилиш, ягона ва унификацияланган инфратузилмани шакллантириш, карточкаларнинг функционал имкониятларини кенгайтириш мақсадида муассаса glob.uz чакана тўловлар тизимини ҳам жорий қилиш арафасида турибди.

Пластик карточкалар чиндан ҳам замон талаби. Асосийси, банк пластик карточкадаги маблағлар хавфсизлигини таъминлайди ва маблағлар тўғрисидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Шундай экан, Халқ банки жамоаси ўз мижозларига замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва сифатли хизматларни кўрсатиб бораверади.

***Эъзоз КАМОЛОВА.***

# Электрон тўловлар тизимида ўсиш тамойили

**Электрон тижорат (E-Commerce)**

Ягона Умумреспублика процессинг марказининг маълум қилишича, жорий йилнинг II чорак якунига кўра, Ўзбекистонда электрон тижорат (E-Commerce) транзакциялари сони барқарор ўсишни намоён қилмоқда.

Хусусан, E-Commerce транзакциялари сони 89,5 млн.тани ташкил қилиб, жорий йил биринчи чорагида кўрсатилган натижага нисбатан 3,6 фоизга кўпроқ эканлигини кўрсатмоқда (I чоракда ушбу кўрсаткич 86,4 млн.тани ташкил қилган эди).

II чоракда электрон тижорат бўйича транзакцияларнинг бирлашган миқдори эса 16,7 трлн. сўмга тенг бўлиб, бу ўз ўрнида жорий йилнинг I чорагидаги кўрсаткичга нисбатан 4,4 фоиз ўсган.







**Uzcard EMV (uzcard онлайн карталар)**

Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилнинг II чорагида Uzcard онлайн карталарининг умумий транзакциялари сони 267,7 млн.тани







ёки 30,5 трлн. сўмни ташкил этди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Ўзкарт» банклараро тўлов тизимининг офф-лайн платформадан онлайн платформага ўтиши деярли тугатилди.




Мамлакатимизда жорий йилнинг II чорагида 908 210 минг дона пластик карта ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу кўрсаткич I чоракдагига нисбатан 15,05 фоизга кўпайди. Жорий йилнинг I чорагида ишлаб чиқарилган карталар сони 789 380 мингтани ташкил қилган эди.

***Жасур МИРЗАЕВ.***

# Яхшилик ва меҳрибонлик айёми



***(Давоми. Бошланиши 1-бетда).***

Хайрия тадбири бошида болажонлар учун турли ноз-неъматларга тўла дастурхон ёзилди. Байрам тортининг катталигию ширинлиги уларни яна ҳам шод этди. Шундан сўнг уларга банк томонидан ўндан ортиқ турдаги мактаб анжомлари ва ўқув қуроллари совға қилинди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликдан уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Болалар кўзидаги қувончни кўриб, шундай шодиёна онлар тугамаса дейсан, киши. Чунки бундай дақиқаларда қалбинг меҳрдан, яхшиликдан тўлиб ҳаяжонга тушасан.

*– Бундай саховатпеша ҳомийларга раҳматлар айтаман, – дейди* ***меҳрибодлик Тўлқин Султонов.*** *– Ҳар байрамда хабар олишади. Турли озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишади. Яқинда ўғлимнинг суннат тўйига ҳам ёрдам қилишди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Эндиликда фарзандимни даволаш учун ёрдам беришмоқчи. Қолаверса, бугун болаларимизга турли ўқув қуролларининг берилиши ҳам кўнглимизни тоғдек кўтарди. Юртимизда шундай меҳрибон, яхши инсонлар борлигидан жудаям мамнунман.*

6-синф ўқувчиси Захро Охунжонова ҳам ўзида йўқ хурсанд. Унинг дилидаги гап-сўзларини эшитиш учун суҳбатга тортик.

*– Бизга шундай совғаларни беришганлари учун жудаям хурсандман, барчага раҳмат. Энди мактабга янги сумкаю турли анжомларда бораман. Қанийди, бундай байрамларимиз ҳар куни бўлса.*

Чиндан-да шундай шодиёна кунларда кишиларга хурсандчилик улашишдек савоб ишга қўл ураётганларга таҳсинлар айтасан, киши. Шукрки, бундай хайрия тадбирлари юртимизнинг барча гўшаларида бўлиб ўтмоқда. Минглаб диллар қувончга тўлаётир. Айниқса, кўнгли ярим болажонлар учун «Трастбанк» томонидан ташкил этилган мазкур хайрия тадбири яхшилик, меҳрибонлик айёми бўлиб ёдда қолиши шубҳасиз.

***Бобур МУҲАММАДИЕВ.***

*Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*
121А-шакл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

______________________________________
(банк номи)

10196-ҲИСОБВАРАҒИ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ БАНКДАН ОЛИНГАН НАҚД ПУЛЛАР ҲИСОБИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН СОТИБ ОЛИНГАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ ҚОЛДИҒИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ
К И Т О Б И

20___ йил «____» __________ да бошланди

20___ йил «____» __________ да якунланди

Ушбу китобга ёзувлар унинг тўлгунига қадар киритилади
20______ йил ______________ ойи

| Тўловга яроқли пуллар | ____га қолдиқ | | ____га қолдиқ | | ____га қолдиқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 сўм | СУММА | | СУММА | | СУММА | |
| 3 сўм | валютада (номинал қиймати бўйича) | сўмда | валютада (номинал қиймати бўйича) | сўмда | валютада (номинал қиймати бўйича) | сўмда |
| Эркин айирбошланадиган валюталар | | | | | | |
| АҚШ доллари | | | | | | |
| Евро | | | | | | |
| Иена | | | | | | |
| Англия фунт стерлинги | | | | | | |
| Швейцария франки | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| ҳисобварақ бўйича жами | | | | | | |
| Бошқарувчи | Имзолар | | Имзолар | | Имзолар | |
| Бош бухгалтер | | | | | | |
| Касса мудири | | | | | | |

*(китобнинг охирги варағи)*

ТАСДИҚЛОВЧИ ЁЗУВ

**Ушбу китобда рақамланган ва ипдан ўтказилган жами ______________ варақлар мавжуд**
(сони сўз билан ёзилади)

____________-рақамдан ____________-рақамгача

Бошқарувчи ____________________
Бош бухгалтер ____________________
Касса мудири ____________________

20____ йил «____» ____________________

*Ҳужжатнинг электрон кўринишини www.finance.uz сайтидан олишингиз мумкин.*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 16 август куни 2912-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий банки раиси** **М. НУРМУРАТОВ**
*Тошкент ш.,*
*2017 йил 12 август,*
*19/2-сон*

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий банки Бошқарувининг*
*2017 йил 12 августдаги 19/2-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги
## НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш ва ўзаро (Марказий банк ва тижорат банки ўртасида) ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мадад пули – Марказий банк томонидан тижорат банки филиалига валюта айирбошлаш шохобчалари орқали жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун бериладиган миллий валюта – сўмдаги (бундан буён матнда сўм деб юритилади) нақд пуллар;

банк-агент – тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан сотиб олинган нақд чет эл валютасини қабул қилиб олувчи ҳамда нақд чет эл валютасини жўнатган банкнинг Бош банки вакиллик ҳисобварағига нақдсиз кўринишдаги чет эл валютасини ўтказиб берувчи тижорат банки ва унинг жойлардаги филиаллари.

2. Тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун тижорат банклари филиалларини етарли миқдорда нақд сўм билан таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари (бундан буён матнда ҲББ деб юритилади) тижорат банклари филиалларига мадад пуллари беради.

3. Мадад пуллари Марказий банкнинг ҲББ Ҳисоб-китоб-касса маркази (бундан буён матнда ҲККМ деб юритилади) айланма кассасидаги нақд пуллар ҳисобидан берилади.

ҲККМ томонидан тижорат банкларига жисмоний шахслардан чет эл валютасини харид қилиш учун сўмда мадад пули бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Республика инкассация хизматининг жойлардаги бошқармалари (бўлимлари) орқали томонлар ўртасида тузилган шартномалар, тижорат банкларининг ёзма буюртмалари ҳамда Республика Марказий банки ва унинг ҲББлари фармойишлари асосида амалга оширилади.

4. Ушбу мадад пуллари фақатгина тижорат банки филиалларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун ишлатилади, бошқа мақсадларга йўналтириш Марказий банк ҲББнинг тегишли фармойишига асосан амалга оширилади.

5. Банк филиали раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири Марказий банкнинг ҲББдан чет эл валютасини сотиб олиш учун олинган мадад пулларининг бутлигини таъминлаш ҳамда мақсадли ишлатилиши бўйича масъул ҳисобланади.

**2-боб. Нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун тижорат банки филиалига мадад пули бериш тартиби**

6. Банк (банк филиали) кассаларидаги мавжуд нақд пуллар кейинги кунда кутилаётган тўловларни ҳисобга олган ҳолда, нақд чет эл валютасини харид қилиш учун етарли бўлмаган ҳолларда, нақд чет эл валютасини харид қилиш учун талаб этиладиган нақд пуллар суммасига мадад пули сўраб Марказий банкнинг ҲББларига Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1518, 2005 йил 26 октябрь) мувофиқ буюртма асосида мурожаат қилади.

Банк (банк филиали) томонидан сўралган мадад пуллари Марказий банкнинг ҲББ фармойишига асосан ҲККМ айланма кассасидаги нақд пуллар ҳисобидан инкассация хизмати орқали берилади.

ҲККМларда мазкур фармойишга асосан тижорат банкларига мадад пули жўнатилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109000 – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101000 – «Айланма кассадаги нақд пуллар».

7. ҲККМ айланма кассасида тижорат банклари филиаллари томонидан сўралган мадад пулларини бериш учун етарли бўлмаган тақдирда, шу куннинг ўзида Марказий банкнинг ҲББ ҲККМ айланма кассасини мадад пули билан таъминлаш чораларини кўради.

Марказий банкдан олинган эмиссия рухсатномасига асосан олинган мадад пулларини Марказий банкнинг ҲББ эртанги кундан кечиктирмасдан тегишли тижорат банклари филиалларига белгиланган тартибда инкассация хизмати орқали етказиб берилишини таъминлайди.

8. Нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун тижорат банкларига мадад пуллари бериш мақсадида захира фондидан айланма кассага нақд пул ўтказиш учун берилган эмиссия рухсатномаларидан:

а) Марказий банкнинг ҲББ рухсатнома олинган кунни ҳисобга олмаган ҳолда уч банк иш куни давомида;

б) ҲККМ Марказий банкнинг ҲББдан рухсатнома олинган кунни ҳисобга олмаган ҳолда икки банк иш куни давомида фойдаланишлари мумкин.

Марказий банкнинг ҲББ бошлиғи, Пул муомаласини тартибга солиш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи, Эмиссия-касса амалиётлари бўлими (бошқармаси) бошлиғи ҳамда ҲККМ директори олинган эмиссия рухсатномаларини фойдаланиш муддатига амал қилган ҳолда ишлатилишини таъминлайди.

9. Тижорат банклари филиалларига нақд чет эл валютасини харид қилиш учун бериладиган мадад пуллари учун тижорат банки филиали вакиллик ҳисобварағида етарли миқдорда маблағ мавжуд бўлмаса, олдиндан нақдсиз пул ўтказиб берилиши талаб этилмайди.

10. Тижорат банки филиалига инкассация хизмати орқали келтирилган сўмдаги мадад пуллари банк филиалининг қимматликлар бут сақланиши учун жавобгар мансабдор шахслар (банк филиали раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири) томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, ушбу нақд пуллар 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағига кирим қилинади.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) тижорат банкларига ҲККМдан мадад пули келтирилганда:

Дебет 10101000 – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 29896000 – «Бошқа мажбуриятлар»;

б) ҲККМларга тижорат банкларидан мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келганда:

Дебет 19997000 – «Бошқа активлар»

Кредит 10109000 – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»;

в) тижорат банки 10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағига ҲККМдан олинган мадад пулини кирим қилгандан сўнг, ушбу маблағлар дастурий йўл билан 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағига 17301 – «Транзит ҳисобварағи» ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда ўтказилганда:

Дебет 17301000 – «Транзит ҳисобварағи»

Кредит 10101000 – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Дебет 10196000 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси»

Кредит 17301000 – «Транзит ҳисобварағи».

Банк филиалида 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган сўмдаги нақд пуллар қолдиғи мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган 142-шаклдаги китобда ҳисобга олиниши лозим.

11. Тижорат банки филиалининг валюта айирбошлаш шохобчаларига чет эл валютасини харид қилиш учун 10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар» ва 10102 – «Нақд пуллар захираси» ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобидан, қўшимча эҳтиёжлар мавжуд бўлган тақдирда, 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси»



| | | | |
|---|---|---|---|
| Эскирган пуллар | | | |
| 1 сўм | | | |
| 5 сўм | | | |
| 10 сўм | | | |
| 25 сўм | | | |
| 50 сўм | | | |
| 100 сўм | | | |
| 200 сўм | | | |
| 500 сўм | | | |
| 1000 сўм | | | |
| 5000 сўм | | | |
| 10000 сўм | | | |
| 50000 сўм | | | |
| Жами: | | | |
| Тўловга яроқли металл тангалар | | | |
| 1 тийин | | | |
| 3 тийин | | | |
| 5 тийин | | | |
| 10 тийин | | | |
| 20 тийин | | | |
| 50 тийин | | | |
| 1 сўм | | | |
| 5 сўм | | | |
| 10 сўм | | | |
| 25 сўм | | | |
| 50 сўм | | | |
| 100 сўм | | | |
| 500 сўм | | | |
| Жами: | | | |
| Нуқсонли металл тангалар | | | |
| 1 тийин | | | |
| 3 тийин | | | |
| 5 тийин | | | |
| 10 тийин | | | |
| 20 тийин | | | |
| 50 тийин | | | |
| 1 сўм | | | |
| 5 сўм | | | |
| 10 сўм | | | |
| 25 сўм | | | |
| 50 сўм | | | |
| 100 сўм | | | |
| 500 сўм | | | |
| Жами: | | | |
| Ҳаммаси бўлиб: | | | |
| Бошқарувчи | Имзолар | Имзолар | Имзолар |
| Бош бухгалтер | | | |
| Касса мудири | | | |

*(китобнинг охирги варағи)*

ТАСДИҚЛОВЧИ ЁЗУВ

**Ушбу китобда рақамланган ва ипдан ўтказилган жами**

**________________варақлар мавжуд**

(сони сўз билан ёзилади)

________-рақамдан ________-рақамгача

Бошқарувчи ________________

Бош бухгалтер ________________

Касса мудири ________________

20____ йил «____» ________________

25. Марказий банкдан олинган мадад пули бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши юзасидан энг аввало, мадад пулини олган тижорат банки филиалининг раҳбари, бош бухгалтери;

мадад пули бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш учун банк филиалининг сўмдаги вакиллик ҳисобварағини етарли миқдорда маблағ билан таъминлашда тижорат банкининг тегишли Раис ўринбосари, бош бухгалтери, Ғазначилик бошқармаси бошлиғи;

тижорат банки филиалидан олинган нақд чет эл валютаси учун қимматликлар қабул қилиниши билан қимматликларни жўнатган тижорат банки филиалининг Бош банки чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварағига маблағларни ўз вақтида ўтказиб бериш учун банк-агентнинг раҳбари ва бош бухгалтери жавобгар ҳисобланади.

26. Сотиб олинган нақд чет эл валютасини банк-агентга жўнатиш бўйича Марказий банкнинг ҲББга буюртма берган банк филиали раҳбари, бош бухгалтери ва касса мудири берилган буюртмага асосан чиқарилган Марказий банк ҲББнинг фармойишида кўрсатилган суммани белгиланган тартибда инкассация гуруҳига тўлиқ беришга ҳамда инкассация гуруҳи қабул қилинган қимматликларни ўз вақтида, уларнинг бутлигини таъминлаган ҳолда банк-агентга етказиб беришга масъулдир.

27. Тижорат банки филиалига берилган мадад пули бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган тақдирда, Марказий банк ҲББнинг ҲККМ директори ва Пул муомаласини тартибга солиш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи Марказий банк ҲББ бошлиғига ёзма хабар беради.

Марказий банкнинг ҲББ бошлиғи томонидан имзоланган ва Марказий банкка юборилган электрон хабарномага асосан тегишли тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағидан маблағлар белгиланган тартибда ечиб олиниб, Марказий банкнинг тегишли ҲББ вакиллик ҳисобварағига ўтказилади.

*Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

142-шакл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

________________________________________

(банк номи)

10196-ҲИСОБВАРАҒИ БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН МАРКАЗИЙ БАНКДАН ОЛИНГАН НАҚД ПУЛЛАР ЗАХИРАСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ
К И Т О Б И

20___ йил «____» ____________да бошланди

20___ йил «____» ____________да тугатилди

Ушбу китобга ёзувлар унинг тўлгунига қадар киритилади

| | ___ ойи | | |
|---|---|---|---|
| Тўловга яроқли пуллар | ___ га қолдиқ | ___ га қолдиқ | ___ га қолдиқ |
| 1 сўм | | | |
| 3 сўм | | | |
| 5 сўм | | | |
| 10 сўм | | | |
| 25 сўм | | | |
| 50 сўм | | | |
| 100 сўм | | | |
| 200 сўм | | | |
| 500 сўм | | | |
| 1000 сўм | | | |
| 5000 сўм | | | |
| 10000 сўм | | | |
| 50000 сўм | | | |
| Жами: | | | |





ҳисобварағидаги сўмдаги маблағлар ҳисобидан нақд пуллар берилади.

Марказий банк ҲББ тегишли фармойишларига асосан 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағига 10198 – «Марказий банкка топшириладиган нақд пуллар захиралари» ҳисобварағидаги нақд пуллар ҳам (10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағи орқали) кирим қилиниши мумкин.

Банк филиали томонидан валюта айирбошлаш шохобчаларига мадад пулларини юборишдан олдин бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 17301000 – «Транзит ҳисобварағи»

Кредит 10196000 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси»

Дебет 10101000 – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 17301000 – «Транзит ҳисобварағи».

Банк филиали валюта айирбошлаш шохобчаларига мадад пулини жўнатганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109 – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар».

Банк филиали томонидан жўнатилган мадад пули валюта айирбошлаш шохобчаларига келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10103 – «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 10109 – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари».

12. Кун давомида харид қилинган нақд чет эл валюталари банк филиали кассасига кирим қилиниб, унинг ҳисоби чет эл валютаси бўйича 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағида ҳисобга олиниши лозим.

Чет эл валютаси хариди учун ишлатилмай қолган сўмдаги нақд пуллар қолдиғи ҳам 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

а) валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан мадад пулининг ишлатилмаган қисми кун охирида банкка қайтарилганда:

Дебет 10109 – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10103 – «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»;

б) валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан жўнатилган мадад пулининг ишлатилмаган қисми банкка келиб тушганда:

Дебет 10101 – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10109 – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Дебет 17301000 – «Транзит ҳисобварағи»

Кредит 10101000 – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Дебет 10196000 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси»

Кредит 17301000 – «Транзит ҳисобварағи»;

в) банк амалиёт куни охирида валюта айирбошлаш шохобчаси чет эл валютасини сотиб олиш учун сарфлаган нақд пулнинг «09009» маълумотномасида кўрсатилган сўмдаги умумий суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дебет 17101000 – «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Кредит 10103000 – «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»;

г) валюта айирбошлаш шохобчаси орқали сотиб олинган чет эл валютасининг «09009» маълумотномасида кўрсатилган алоҳида ҳар бир чет эл валютасидаги умумий суммага қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10103VVV – «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Кредит 17101VVV – «Валюта позицияси ҳисобварақлари»;

д) валюта айирбошлаш шохобчаси орқали сотиб олинган чет эл валютаси 10196VVV – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағига кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 10101VVV – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10103VVV – «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар»

Дебет 10196VVV – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси»

Кредит 10101VVV – «Айланма кассадаги нақд пуллар»;

е) 10196VVV – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағида ҳисобга олинаётган чет эл валютаси бўйича чиқим амалиётлари 10101VVV – «Айланма кассадаги нақд пуллар» ҳисобварағи орқали амалга оширилади ва бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101VVV – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 10196VVV – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси».

Банк филиалида 10196 – «Чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пул-

лар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси» ҳисобварағида ҳисоби юритилаётган нақд чет эл валюталари қолдиғи мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган 121А-шаклдаги китобда ҳисобга олиниши лозим.

13. Банк балансида 10103 – «Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар» ҳисобварағидаги сўмдаги ва валютадаги қолдиқ валюта айирбошлаш шохобчалари кассирларидан олинган «09009» маълумотномасида кўрсатилган қолдиқ билан солиштирилади ва улар тенг бўлган тақдирда мазкур банк амалиёт куни белгиланган тартибда якунланади.

**3-боб. Нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун тижорат банки филиалига берилган мадад пули бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

14. Тижорат банки филиали томонидан ҲККМдан олинган мадад пулларининг чет эл валютасини харид қилиш учун ишлатилган қисми уч банк иш куни ичида тўлиқ нақдсиз ёки нақд пул кўринишида қоплаб берилиши шарт.

Банк филиалининг вакиллик ҳисобварағида олинган мадад пулини қоплаш учун етарли миқдорда сўмдаги маблағ мавжуд бўлса, шу куннинг ўзида ҲККМга мадад пулини қоплаш учун нақдсиз кўринишда ҳисоб-китобни амалга ошириши лозим.

15. Тижорат банки филиалининг сўмдаги вакиллик ҳисобварағида етарли миқдорда маблағлар мавжуд бўлмаса, банк филиали томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун ишлатилган Марказий банкдан олинган мадад пули миқдори ва уни қоплаб бериш учун филиалнинг вакиллик ҳисобварағини тўлдириш тўғрисида ҳар кун якунида ўзининг Бош банкига электрон хабарнома орқали маълум қилади.

Тижорат банки филиалининг Бош банки сўмдаги вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан банк филиали вакиллик ҳисобварағини Марказий банкдан олинган мадад пулларини қоплаш учун нақдсиз кўринишда етарли пул маблағлари билан таъминлайди.

Банк филиали, ўз навбатида, вакиллик ҳисобварағига келиб тушган сўмдаги маблағлар ҳисобидан ҲККМдан олинган мадад пулининг ишлатилган қисмини қоплаб беради.

16. Тижорат банки филиалининг Бош банки сўмдаги вакиллик ҳисобварағида Марказий банкдан олинган ва чет эл валютасини харид қилишга банк филиали томонидан ишлатилган мадад пулини қоплаш учун етарли маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда тижорат банки филиалининг Бош банки чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварағида мавжуд маблағлар ҳисобидан чет эл валютасини Валюта биржаси орқали сотиб, ўзининг сўмдаги вакиллик ҳисобварағини етарли миқдорда маблағ билан таъминлаши, шунингдек, мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган тартибда Марказий банкдан олинган мадад пули учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш чораларини кўриши лозим.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) тижорат банкининг Бош банкида:



Дебет 19997VVV – «Бошқа активлар»

Кредит 10301VVV – «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро» ёки 10501VVV – «Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро»;

б) Марказий банкда:

Дебет 10401VVV – «Норезидент банклардаги вакиллик хисобвараги Ностро» ёки 10501VVV – «Резидент банклардаги вакиллик хисобвараги – Ностро»

Кредит 21596VVV – «Валюта биржасининг ҳисобварағи»

Дебет 21596000 – «Валюта биржасининг ҳисобварағи» – Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМ

Кредит 29896000 – «Бошқа мажбуриятлар» –Тижорат банкининг Бош банки;

в) тижорат банкининг Бош банкида:

Дебет 17101VVV – «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Кредит 19997VVV – «Бошқа активлар»

Дебет 29896000 – «Бошқа мажбуриятлар»

Кредит 17101000 – «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Дебет 16102VVV – «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар» ёки 22203VVV – «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар»

Кредит 17101VVV – «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Дебет 17101000 – «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Кредит 16102000 – «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар» ёки 22203000 – «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар»

Дебет 22203000 – «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар» – Тижорат банкининг Бош банки

Кредит 16102000 – «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар» – Тижорат банкининг филиали;

г) тижорат банкининг филиалида:

Дебет 17101VVV – «Валюта позицияси ҳисобварақлари»

Кредит 16102VVV – «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар» ёки 22203VVV – «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар»

Дебет 16102000 – «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар» ёки 22203000 – «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар»

Кредит 17101000 – «Валюта позицияси ҳисобварақлари».

17. Тижорат банки филиалининг Бош банки чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварағида етарли миқдорда маблағ мавжуд бўлмаган тақдирда, банк филиалидан олинган электрон хабарномага жавобан сотиб олинган нақд чет эл валютасини филиал жойлашган тумандаги (шаҳардаги) ёки вилоятдаги банк-агентнинг филиалига жўнатиш тўғрисида зудлик билан электрон топшириқ юбориши лозим.

Бош банк электрон топшириқни тасарруфидаги филиалидан электрон хабарномани операцион кун ёпилмасдан олган бўлса, шу куннинг ўзида, агар шу куннинг ўзида юбориш имконияти бўлмаса, кейинги операцион кун очилиши билан юбориши талаб этилади.

18. Бош банкдан электрон топшириқни олган банк филиали сотиб олинган нақд чет эл валютасини банк-агент филиалига жўнатиш мақсадида инкассация хизматига фармойиш бериш учун Марказий банкнинг ҲББ Эмиссия-касса операциялари бўлими (бошқармаси)га банк филиали раҳбари томонидан имзоланган буюртма билан мурожаат қилади.

Марказий банкнинг ҲББ нақд чет эл валютасини банк-агентга жўнатиш учун буюртма берган банк филиалидан қимматликларни олиб, банк-агентга етказиш тўғрисида белгиланган тартибда фармойиш тайёрлаб, инкассация хизмати томонидан ўз вақтида ижросини таъминлашга масъулдир.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) тижорат банкининг филиали чет эл валютасини банк-агентнинг филиалига жўнатганда:

Дебет 10109VVV – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кредит 10101VVV – «Айланма кассадаги нақд пуллар»;

б) чет эл валютаси банк-агентнинг филиалига келиб тушганда:

Дебет 10101VVV – «Айланма кассадаги нақд пуллар»

Кредит 22203VVV – «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар»;

в) банк-агент филиалидан олинган чет эл валютаси келиб тушганлиги тўғрисидаги хабарномага асосан тижорат банкининг филиалида:

Дебет 16102VVV – «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар»

Кредит 10109VVV – «Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари».

19. Банк-агент филиали нақд чет эл валютасини қабул қилиб олиши билан ўзининг Бош банкига шунча миқдордаги (белгиланган тариф бўйича хизмат ҳақини чегириб қолган ҳолда) чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварағидан маблағларни нақдсиз кўринишда нақд чет эл валютасини юборган банк филиали Бош банкининг чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварағига ўтказиб бериши ҳақида электрон хабарнома юборади.

Банк-агентнинг Бош банки томонидан нақд чет эл валютасини жўнатган тижорат банки Бош банкининг чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварағига чет эл валютасида маблағларни ўтказиб берганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) банк-агентнинг Бош банкида:

Дебет 16102VVV – «Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар»

Кредит 10301VVV – «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро» ёки 10501VVV – «Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро»;

б) тижорат банкининг Бош банкида:

Дебет 10301VVV – «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро» ёки 10501VVV – «Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари – Ностро»

Кредит 22203VVV – «Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақдсиз пуллар».

Тасарруфидаги банк филиали томонидан банк-агентга юборилган нақд чет эл валютаси учун нақдсиз кўринишда чет эл валютасидаги маблағларни олган тижорат банкининг Бош банки ушбу маблағларни мазкур Низомнинг 16-бандида қайд этилган тартибда олинган мадад пули учун ҳисоб-китобларни амалга оширишга йўналтириши лозим.

20. Тижорат банки филиали ҲККМдан олган мадад пули учун маблағларни нақд пулсиз ўтказиб беради ва бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29896000 – «Бошқа мажбуриятлар» – Тижорат банкининг филиали

Кредит 19997000 – «Бошқа активлар» – Марказий банкнинг ҲББ ҲККМ.

21. Банк филиали томонидан чет эл валютасини харид қилиш учун ишлатилмай қолган мадад пули, агар у бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб амалга оширилмаган бўлса ва банк филиалида ушбу мадад пулига эҳтиёж бўлмаса, уч кун муддат ичида Марказий банкнинг ҲББга инкассация хизмати орқали қайтарилиши шарт.

Банк филиалида ишлатилмай қолган мадад пулига келгусида эҳтиёж мавжуд бўлса, бу ҳақда Марказий банкнинг ҲББга ушбу пулларнинг бутлигини ва фақат белгиланган мақсад учун йўналтирилишини таъминлаш бўйича банк филиали раҳбари томонидан имзоланган кафолат хати билан мурожаат қилиши лозим.

Банк филиалида қўшимча мадад пулига эҳтиёж мавжуд бўлса, банк филиали белгиланган тартибда мадад пули бериш тўғрисида Марказий банкнинг ҲББга буюртма беради.

**4-боб. Марказий банкдан олинган мадад пулларининг бут сақланиши, белгиланган мақсадлар учун йўналтирилиши ҳамда ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши**

22. Тижорат банки филиалига Марказий банкнинг ҲББ фармойишида кўрсатилган миқдорда мадад пулини бериш ва уни ўз вақтида тегишли банк филиалига бутлигини таъминлаган ҳолда етказиб бериш учун ҲККМнинг директори, бош бухгалтери ва касса мудири, инкассация хизматининг вилоят бошқармаси раҳбари жавобгардир.

23. Нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган мадад пулларининг бут сақланиши ва белгиланган мақсадларга йўналтирилиши учун мадад пулини олган банк филиали раҳбари, бош бухгалтери, касса мудири тўлиқ моддий жавобгар ҳисобланади.

24. Марказий банк ҲББнинг Пул муомаласини тартибга солиш ва мониторинг бошқармаси тижорат банки филиалларига чет эл валютасини сотиб олишга берилган мадад пуллари учун белгиланган муддатдан кечиктирмаган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилишини назорат қилади.

# Таълим кредити – ёшлар таълим олиши учун тўлов-контракт шартларини бажаришнинг қулай ва замонавий усули

***Достонбек АЛИЖОНОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш бошқармаси мутахассиси.***



Барчамизга маълумки, дунёнинг ривожланган давлатлари амалиётида таълим соҳасини мунтазам ислоҳ қилиб бориш, уни турли мафкуравий қарашлардан халос этиш, мамлакатни илм-фан масканига айлантириш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, барча соҳаларда бўлгани каби мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилиш давлатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Шундан келиб чиқиб, мазкур Қонун талабларига мувофиқ ҳолда, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида ҳамда юксак касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда қарор қабул қила олиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тасдиқланди.

Мазкур дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги 318-сонли қарорига мувофиқ, «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги низом» тасдиқланди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун тижорат банклари томонидан имтиёзли шартларда таълим кредитлари бериш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди.

Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари қайтаришлилик, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш тамойиллари асосида берилади.

Мазкур Низом талабларига мувофиқ, таълим кредитлари тижорат банклари томонидан олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин.

**ЁШЛАРГА ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР**

| Боқувчисини йўқотган чин етимларга | «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга | I ва II гуруҳ ногиронларига | Кам таъминланган оилалардан чиққан ёшларга | Талабаларнинг қолган тоифаларига |
|---|---|---|---|---|
| 0 фоиз миқдорида | 0 фоиз миқдорида | 0 фоиз миқдорида | Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан тўланади | Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси миқдорида |

Ушбу таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга эса 5 йилгача бўлган муддатга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкаларида берилиши белгиланган.

Бунда Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб, аввал олинган ва янгидан олинадиган кредитларнинг фоизи ҳам ўзгаради.

Ёшларнинг олий ўқув юртларида таълим олишга бўлган иштиёқи ошишига, айниқса, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, шу билан бирга, кам таъминланган оилалардан чиққан ёшларнинг таълим олиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, мазкур Низом асосида тижорат банклари томонидан бериладиган таълим кредитлари:

► чин етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига ноль фоиз ставкасида (фоизсиз кредит);

► кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши қатъий белгилаб берилган.

Кўрсатиб ўтилган имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган оилалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мазкур имтиёзлар асосида таълим кредитлари олаётган фуқаролар йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражаси ошиб бораётганидан далолатдир.

Шу билан бирга, таълим кредити олиш истагини билдирган фуқаролар учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган кредит бериш механизми ушбу Низомда ўз аксини топган.

Жумладан, таълим кредитлари учун фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш олий таълим муассасасига ўтказилган сумма берилган вақтдан, асосий қарзни қайтариш эса талаба томонидан олий таълим муассасасида ўқишнинг таълимнинг ушбу тури учун расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг, айрим курсларда такроран ўқиш муддати ҳисобга олинмасдан, уч ой ўтгандан сўнг бошланади.

Талаба муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда таълим кредитлари учун фоиз ставкалари ҳисобланмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, фоизлар бўйича тўлов тартиби қарз олувчи томонидан кредит шартномасида қайд этилган шартларда тўлаб борилиши белгиланган.

Шу билан бирга, қарз олувчига янада қулайлик яратиш мақсадида таълим кредитларини бериш у яшайдиган аҳоли пунктида жойлашган тижорат банклари муассасалари томонидан амалга оширилади.

Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт);

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шаклларидан бирини банкка тақдим этиши лозим, унинг амалга оширилиши унга қўйилган асосий талаб ҳисобланади:

► мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

► учинчи шахснинг кафиллиги;

► суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

► фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

Агар кредитни қайтариш таъминоти сифатида кафолат ёки кафиллик шартномаси тақдим қилинган бўлса, банк гарант ёки кафилнинг молиявий аҳволини баҳолайди.

Тижорат банклари қарз олувчи томонидан таълим кредити беришни сўраб тақдим қилган ариза ва унга илова этилган тўла ҳужжатлар тўпламини 10 иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва кредит шартномасини имзолаши ёки кредит берилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда аризачига кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ёзма хулоса бериши лозим.

Мазкур Низомда таълим кредитларини қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг ёзма топшириғи асосида олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварағига ўтказиб бериш тартиби ва муддатлари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини тенг икки қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календарь йилнинг 15 мартигача тўланади.

Ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик биринчи ойи (сентябрь ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади.

Фуқаролар томонидан олинган таълим кредитларини сўндиришга йўналтириладиган маблағлар бўйича ҳамда уларнинг ота-оналарига ижтимоий ҳамда иқтисодий енгиллик яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан солиқ имтиёзлари ҳам жорий этилганлигини қайд этиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 179-моддаси 31-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари даромад солиғига тортилмайди.

*Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшадиган, яратувчан ва инновацион ғояларга эга бўлган, юксак маънавиятли, билимга чанқоқ ёшларнинг олий таълим муассалаларида таълим олиши учун қулай шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратишда банк тизими ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли таълим кредитлари талабаларнинг ўқиши учун шартномада белгиланган тўлов шартларини бажаришгина эмас, балки бутун куч-ғайрат ва шижоатини ягона мақсад – илм олиш учун имконият яратиб беришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш лозимдир. Зеро, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш банк тизимининг доимий эътиборидадир.*

## Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси 2017 йил 28 августдан 31 августгача бўлган биржа нархлари котировкаси

| Маҳсулотларнинг номи | Жорий котировка (сўмда тоннаси учун) | Нархлардаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| Автобензин А-80 | 4 035 473 | ▼ | -915 669 | -18,5% |
| Автобензин А-91 | 5 966 753 | ▲ | 1 454 770 | 32,2% |
| Автобензин А-98 | 5 035 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Азотли-олтингугурт ўғит (қопда) | 706 620 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Азот-фосфор ўғит (қопда) | 998 005 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Аммиакли селитра кальцийли (қопда) | 795 306 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Аммофос 46:10 (қадоқланмаган) | 1 500 917 | ▼ | -35 002 | -2,3% |
| Арматура 25 ст 35 ГС | 5 086 229 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Қурилиш битуми БН 90/10 | 4 477 997 | ▼ | -195 690 | -4,2% |
| Дизель ёқилғиси | 5 907 090 | ▲ | 209 612 | 3,7% |
| Қурилишга оид оҳак 1-нав (қадоқланмаган) | 273 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Хлорланган калий (қопда) | 708 360 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Карбамид (қопда) | 633 570 | ▼ | -4 804 | -0,8% |
| Квадрат 16 ст 3 СП | 5 410 817 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Техник керосин | 5 148 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Керамик ғишт К-0 75 15, 250х120х65 мм (дона) | 430 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Озиқ-овқат сирка кислотаси 70% | 3 102 255 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Қумоқланмаган омухта ем | 2 710 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Доира 100 ст 3 СП | 3 451 607 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Линт 1-нав тип Б (класс олий) | 2 188 999 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Линт 2-нав тип Б (класс олий) | 1 667 399 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Лист х.к 1,0Х1250Х2500 мм | 7 300 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л | 4 990 473 | ▼ | -28 182 | -0,6% |
| Индустриал мой И-50А (литр) | 7 130 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Мотор мойи Shell Helix HX 7 10W40 (дона) | 197 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Писта ёғи ПЭТ 0,935 гр (литр) | 10 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Рулонли гидроизоляцион том ёпиш материали (дона) | 140 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Мис ўрамаси | 42 248 553 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Буғдой уни 1-нав | 888 357 | ▼ | -1 516 | -0,2% |
| Буғдой уни олий нав | 1 255 093 | ▼ | -22 481 | -1,8% |
| Хўжалик совуни 70% (дона) | 1 971 | ▲ | 88 | 4,7% |
| Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қопда) | 2 887 954 | ▲ | 8 193 | 0,3% |
| Нефть парафини | 6 500 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Полипропилен FC-550 (SA) (АҚШ доллари) | 1 025 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Полиэтилен F-0120 | 10 360 493 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда) | 432 096 | ▲ | 3 597 | 0,8% |
| Сим 10 ст 45 | 5 755 999 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ем учун дон 3-класс | 879 637 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ем учун дон 4-класс | 787 600 | ▲ | 253 | 0,03% |
| Ем учун дон 5-класс | 735 770 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Шакар | 4 319 910 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суюлтирилган газ | 1 827 204 | ▼ | -86 847 | -4,5% |
| Кальцийлаштирилган сода (қопда) | 963 807 | ▲ | 39 | 0,004% |
| Алюминий қотишмалари АК7 | 15 222 999 | ▲ | 2 407 634 | 18,8% |
| Пўлат тунука г.к 6х1500х6000 | 7 390 000 | ▼ | -110 000 | -1,5% |
| Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм | 37 198 | ▲ | 441 | 1,2% |
| Сульфат аммоний (қадоқланмаган) | 394 052 | ▼ | -19 | -0,005% |
| Калий сульфати (қадоқланмаган) | 5 673 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суперфосфат (қадоқланмаган) | 455 315 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Труба 20х2,8 (метр) | 12 585 | ▲ | 146 | 1,2% |
| Пўлат труба 114х3.5 ст 3 (метр) | 64 408 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Бурчак 30 ст 3 СП | 5 055 200 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Кўмир 2 БОМСШ-Б2 0-50 | 189 304 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Швеллер 16 | 8 150 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пахта чигити шелухаси | 483 858 | ▼ | -7 017 | -1,4% |
| Шифер 8 тўлқинли | 31 182 | ▲ | 12 | 0,04% |
| Шрот (кунгабоқар) | 1 250 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Шрот (соя) | 5 800 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пахта чигити шроти (кунжараси) | 976 388 | ▲ | 9 635 | 1,0% |
| Арпа | 608 537 | ўзгармаган | 0 | 0% |

** Маҳсулотлар котировкаси охирги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охирги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.*

*Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнгги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.*

***Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси (www.uzex.uz) материаллари асосида тайёрланди.***

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб ўрнатилган хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курси

| Валюта номи | Курс | Курсдаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| 1 АҚШ доллари | 8 100,00 | ▲ | 3 889,65 | 92,38% |
| 1 евро | 9 645,48 | ▲ | 4 678,60 | 94,20% |
| 1 Россия рубли | 139,91 | ▲ | 68,73 | 96,56% |
| 1 Австралия доллари | 6 437,07 | ▲ | 3 095,73 | 92,65% |
| 1 Канада доллари | 6 522,79 | ▲ | 3 147,22 | 93,24% |
| 1 Хитой юани | 1 241,19 | ▲ | 606,86 | 95,67% |
| 1 Япония иенаси | 73,84 | ▲ | 35,27 | 91,46% |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,18 | ▲ | 3,42 | 91,01% |
| 1 Кувайт динори | 26 874,59 | ▲ | 12 919,16 | 92,57% |
| 1 Малайзия ринггити | 1 897,40 | ▲ | 910,10 | 92,18% |
| 1 Сингапур доллари | 5 971,69 | ▲ | 2 864,88 | 92,21% |
| 1 Швейцария франки | 8 461,30 | ▲ | 4 056,70 | 92,10% |
| 1 БАА дирҳами | 2 205,28 | ▲ | 1 058,95 | 92,38% |
| 1 Миср фунти | 459,37 | ▲ | 221,09 | 92,79% |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10 495,17 | ▲ | 5 070,13 | 93,46% |
| 1 Туркия лираси | 2 362,69 | ▲ | 1 140,60 | 93,33% |
| 1 СДР | 11 480,70 | ▲ | 5 538,75 | 93,21% |
| 1 Украина гривнаси | 312,74 | ▲ | 147,92 | 89,75% |
| 1 Польша злотийси | 2 275,54 | ▲ | 1 094,15 | 92,62% |

# Замон билан ҳамнафас

***(Давоми. Бошланиши 3-бетда).***

*Брокерларнинг иш жойи 150 тадан 250 тага етказилди. Бинода биржанинг «UZEX хабарлари» корпоратив теледастури замонавийлашган талқинини яратиш мақсадида дунёнинг етакчи бизнес каналларининг илғор трендларига мос, концептуал янги телевизион студия қурилди. Шунингдек, биржа ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида корпоратив кутубхона ва ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди. Жорий этилган мазкур янгиликлар туфайли жорий йилнинг 7 ойида биржада 5,7 мингдан зиёд янги мижозлар рўйхатдан ўтказилди.*

Таъкидлаш жоизки, биржа биносини тўлиқ таъмирдан чиқариш ва уни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун икки йил мобайнида жами 7,5 млрд. сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, фаолият кўламини янада кенгайтириш ва сифатини ошириш учун замонавий фронт-офисдан фойдаланилмоқда. Бундай офислар биржанинг барча филиалларида очилиши режалаштирилмоқда. Ушбу офислар илғор ахборот-коммуникация технологиялари, маълумотларни тақдим этиш ускуналари ва автоматлаштирилган мулоқот воситалари билан жиҳозланади. Шу билан бирга, 2017-2018 йилларда биржанинг Хоразм, Жиззах ва Навоий филиаллари биноларида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Сирдарё вилоятида эса янги бино қуриш режалаштирилган.

Тадбирда пресс-тур иштирокчилари биржанинг ижодий гуруҳи, ахборот технологиялари бўлими, маклериат ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган фронт-офис фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

***Бобур МУҲАММАДИЕВ.***

## РФБ нархлари индекси

| Сана | Нарх | Ўзгариш | ҚҚ сони (бирликда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| UCI | | | | |
| 04.09.2017 | 999,12 | ▲ 0.12 | 76 614 | 80 509 970 |
| 31.08.2017 | 999,00 | 0 | 996 | 6 847 198 |
| 30.08.2017 | 999,00 | ▲ 0.97 | 583 400 | 2 300 346 200 |
| 29.08.2017 | 999,97 | 0 | 2 098 | 48 816 100 |
| 28.08.2017 | 999,97 | 0 | 963 992 | 1 108 701 160 |
| 25.08.2017 | 999,97 | ▲ 0.46 | 8 282 | 166 833 620 |
| 24.08.2017 | 1 000,43 | 0 | 974 218 | 974 218 000 |
| 23.08.2017 | 1 000,43 | ▼-2.28 | 73 361 | 475 464 088 |
| 22.08.2017 | 1 002,71 | 0 | 2 203 889 | 2 231 812 910 |
| 21.08.2017 | 1 002,71 | 0 | 6 120 | 44 784 030 |
| Молия сектори | | | | |
| 04.09.2017 | 976,89 | ▲ 0.20 | 24 980 | 58 474 110 |
| 31.08.2017 | 977,09 | 0 | 36 | 42 048 |
| 30.08.2017 | 977,09 | 0 | 0 | 0 |
| 29.08.2017 | 977,09 | 0 | 0 | 0 |
| 28.08.2017 | 977,09 | 0 | 957 076 | 1 101 716 000 |
| 25.08.2017 | 977,09 | 0 | 0 | 0 |
| 24.08.2017 | 977,09 | 0 | 974 218 | 974 218 000 |
| 23.08.2017 | 977,09 | 0 | 61 001 | 304 312 968 |
| 22.08.2017 | 977,09 | 0 | 2 195 498 | 2 223 338 000 |
| 21.08.2017 | 977,09 | 0 | 0 | 0 |
| Саноат | | | | |
| 04.09.2017 | 1 025,29 | 0 | 0 | 0 |
| 31.08.2017 | 1 025,29 | 0 | 855 | 6 385 150 |
| 30.08.2017 | 1 025,29 | 0 | 0 | 0 |
| 29.08.2017 | 1 025,29 | 0 | 486 | 2 211 300 |
| 28.08.2017 | 1 025,29 | 0 | 0 | 0 |
| 25.08.2017 | 1 025,29 | 0 | 10 | 50 000 |
| 24.08.2017 | 1 025,29 | 0 | 0 | 0 |
| 23.08.2017 | 1 025,29 | ▼ -9.11 | 4 105 | 1 498 990 |
| 22.08.2017 | 1 034,40 | 0 | 0 | 0 |
| 21.08.2017 | 1 034,40 | 0 | 70 | 1 750 000 |
| Қурилиш сектори | | | | |
| 04.09.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 31.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 30.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 29.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 28.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 25.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 24.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 23.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 22.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| 21.08.2017 | 924,16 | 0 | 0 | 0 |
| Агросаноат мажмуаси | | | | |
| 04.09.2017 | 1 327,44 | ▲ 11.12 | 49 368 | 19 747 200 |
| 31.08.2017 | 1 316,32 | 0 | 0 | 0 |
| 30.08.2017 | 1 316,32 | ▼-43.19 | 583 400 | 2 300 346 200 |
| 29.08.2017 | 1 359,51 | 0 | 1 596 | 45 964 800 |
| 28.08.2017 | 1 359,51 | 0 | 0 | 0 |
| 25.08.2017 | 1 359,51 | ▼-17.89 | 5 454 | 157 075 200 |
| 24.08.2017 | 1 377,40 | 0 | 0 | 0 |
| 23.08.2017 | 1 377,40 | ▲ 3.91 | 2 500 | 88 470 000 |
| 22.08.2017 | 1 373,49 | 0 | 0 | 0 |
| 21.08.2017 | 1 373,49 | 0 | 0 | 0 |
| Ижтимоий соҳа | | | | |
| 04.09.2017 | 1 062,10 | 0 | 2 266 | 2 288 660 |
| 31.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 30.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 29.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 28.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 6 916 | 6 985 160 |
| 25.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 2 642 | 2 668 420 |
| 24.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 23.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 2 913 | 2 942 130 |
| 22.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 8 391 | 8 474 910 |
| 21.08.2017 | 1 062,10 | 0 | 5 103 | 5 154 030 |
| Бошқа соҳалар | | | | |
| 04.09.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 31.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 105 | 420 000 |
| 30.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 29.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 16 | 640 000 |
| 28.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 25.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 176 | 7 040 000 |
| 24.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 23.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 2 842 | 78 240 000 |
| 22.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 0 | 0 |
| 21.08.2017 | 1 445,73 | 0 | 947 | 37 880 000 |

## РФБ савдолари якуни

| Сана | Эмитент | Май-дон | Савдо нархи | ҚҚ сони | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 30.08.2017 | «Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ | G1 | 3943 | 583 400 | 2 300 346 200 |
| 31.08.2017 | «Агробанк» АТБ | G1 | 1168 | 36 | 42 048 |
| 31.08.2017 | «Оникс» АЖ | G1 | 4550 | 427 | 1 942 850 |
| 31.08.2017 | «Оникс» АЖ | G1 | 4550 | 206 | 937 300 |
| 31.08.2017 | «Оникс» АЖ | G1 | 4550 | 100 | 455 000 |
| 31.08.2017 | «Матбуот тарқатувчи» АК | G1 | 4000 | 105 | 420 000 |
| 31.08.2017 | «Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ | NC | 25000 | 50 | 1 250 000 |
| 31.08.2017 | «Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ | NC | 25000 | 50 | 1 250 000 |
| 31.08.2017 | «Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ | NC | 25000 | 22 | 550 000 |
| 04.09.2017 | «Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ | G1 | 1010 | 300 | 303 000 |
| 04.09.2017 | «Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ | G1 | 1010 | 995 | 1 004 950 |
| 04.09.2017 | «Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ | G1 | 1010 | 971 | 980 710 |
| 04.09.2017 | «Универсал банк» ХАТБ | G1 | 5000 | 3 900 | 19 500 000 |
| 04.09.2017 | «Универсал банк» ХАТБ | G1 | 5000 | 3 750 | 18 750 000 |
| 04.09.2017 | «Коғон ёғ-экстракция заводи» ПИИ АЖ | G1 | 400 | 7 788 | 3 115 200 |
| 04.09.2017 | «Коғон ёғ-экстракция заводи» ПИИ АЖ | G1 | 400 | 41 580 | 16 632 000 |
| 04.09.2017 | «Агробанк» АТБ | G1 | 1167 | 17 330 | 20 224 110 |

**САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|
| № БИ - 00443 «Kapital-Depozit» МЧЖ | 13 807 844 000 |
| № БИ - 00455 «Universal Depozit» МЧЖ | 2 300 346 200 |
| № БИ - 00460 «TAT REESTR» МЧЖ | 2 009 600 000 |
| № БИ - 00416 «Alp omad invest» МЧЖ | 2 000 000 000 |
| № БИ - 00454 «Portfolio Investments» МЧЖ | 1 381 388 369 |
| № БИ - 00439 «ТашИнвестКом» ХК | 882 331 150 |
| № БИ - 00450 «BBD» МЧЖ | 878 199 110 |
| № БИ - 00412 «Orient securities» МЧЖ | 578 199 110 |
| № БИ - 00453 «FULL STOCK GROUP» МЧЖ | 298 152 000 |
| № БИ - 00444 «Ishonch LTD» МЧЖ | 282 115 540 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|
| № БИ - 00454 «Portfolio Investments» МЧЖ | 80 |
| № БИ - 00443 «Kapital-Depozit» МЧЖ | 65 |
| № БИ - 00444 «Ishonch LTD» МЧЖ | 61 |
| № БИ - 00447 «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 51 |
| № БИ - 00453 «FULL STOCK GROUP» МЧЖ | 42 |
| № БИ - 00450 «BBD» МЧЖ | 17 |
| № БИ - 00412 «Orient securities» МЧЖ | 12 |
| № БИ - 00439 «ТашИнвестКом» МЧЖ ХК | 11 |
| № БИ - 00460 «TAT REESTR» МЧЖ | 11 |
| № БИ - 00382 «DALAL STANDARD» МЧЖ | 6 |

**БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 6 902 030 000 |
| «Сурхонозиқовқатсаноати» АЖ | 3 414 | 2 300 346 200 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1 999 | 1 172 304 000 |
| «Универсал банк» ХАТБ | 5000 | 719 725 000 |
| «Гранит» АЖ | 2 179 | 166 530 000 |
| «Олчазор Азия» АЖ | 5000 | 164 730 000 |
| «Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ | 1 000 | 88 705 270 |
| «Шифобахш булоқ» АЖ | 747,00 | 50 560 000 |
| «Гранит» АЖ | 2178,57 | 9 880 000 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1 999,00 | 6 912 000 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|---|
| «Марғилон Файз савдо комплекси» АЖ | 1 000 | 56 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1 999 | 30 |
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000,00 | 28 |
| «Гранит» АЖ | 2 178,57 | 17 |
| «Гулистон Экстракт Ёғ» АЖ | 1999 | 14 |
| «Универсал банк» ХАТБ | 5 000 | 12 |
| «Гранит» АЖ | 2 179 | 5 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | 19 | 5 |
| «Шифобахш булоқ» АЖ | 747 | 5 |
| «Тошкентвино комбинати» ИИ АЖ | 4 000 | 5 |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) материаллари асосида тайёрланди.*

# Бухорода ҳунармандлар фестивалига тадорик кўрилмоқда

**Жорий йилнинг 15-17 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида вилоятнинг туристик имкониятларини кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг бой маданий-маърифий мероси, урф-одатлари ва анъаналари, миллий ҳунармандчилиги, тасвирий ҳамда амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш мақсадида «Бухоро ҳунармандлари» фестивали ўтказилади.**

Buxoro
Hunarmandlari
Festival "Craftsmen of Bukhara-2017"

Тадбир Бухоро вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан ташкил этилмоқда. Фестиваль вилоятда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, тобора йўқолиб бораётган ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва тараққий эттириш, ўзбек ҳунармандларининг хорижий мамлакатлардаги нуфузини ошириш, ҳунармандлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва яратилган асарларнинг сотилишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Фестивалда қўли гул ҳунармандлар қаторида, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган турли корхоналар, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирок этиши кутилмоқда.

Фестиваль доирасида «Палов сайли» кўрик-танлови ўтказилиши ҳам режалаштирилган бўлиб, унга вилоятдаги энг машҳур ошпазлар таклиф этилган.

*Жасур МИРЗАЕВ.*

# «Ўзбекинвест»: истиқлол йилларида суғурта ривожи

**Жорий йил бошидан буён «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан учта янги суғурта тури ишлаб чиқилди. Муассаса йил якунига қадар ўз хизматлари доирасини янада кенгайтиришни кўзда тутган бўлиб, бунда асосий эътибор туризм соҳаси учун жозибадор суғурта турларини жорий этишга қаратилади.**

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Мустақиллик йилларида мазкур компания томонидан аҳолининг суғурта маданиятини ошириш борасида олиб борилган ишларга бағишланган анжуманда сўз юритилди.

Маълумки, «Ўзбекинвест» компанияси 1994 йилда республикамизнинг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий экспортчилар ҳамда аҳолини суғуртавий ҳимоялаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, у ўтган давр мобайнида суғурта хизматлари сифатини ошириш, ҳудудий филиаллар ва бўлимлар ишини фаоллаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, маҳаллий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, мижозлар талаб ва эҳтиёжларини пухта ўрганишга қаратилган изчил чора-тадбирларни амалга оширди.

Агар рақамларга мурожаат қилинса, жорий йилнинг биринчи ярим йили давомида 2017 йилги давлат Инвестиция дастурига киритилган 45 та лойиҳага умумий қиймати 10 трлн. сўмлик суғурта ҳимоясини тақдим этди. Ушбу даврда жами йиғилган суғурта мукофотлари 41,2 млрд. сўмни, олинган суғурта мажбуриятлари 58 трлн. сўмни, аҳоли, корхона, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тўлаб берилган суғурта қопламалари 9 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан қарийб 158 мингта суғурта шартномасини имзолашга эришилди.

*– Компания томонидан янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш устида доимий иш олиб борилмоқда, – дейди **«Ўзбекинвест» ЭИМСК бош директори ўринбосари Алишер Асатуллаев.** – Хусусан, жорий йилда мамлакатимизда йирик лойиҳалар талаблари ҳамда тадбиркорлар ва аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб, 3 та янги суғурта маҳсулоти ишлаб чиқилди, намунавий суғурта шартномаларининг 33 тасига ўзгартиришлар (индоссамент) киритилди ва 90 та шартнома модернизация қилинди. Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида 14 та янги бўлим ишга туширилиб, улар сони 161 тага етказилди.*

Анжуман сўнгида компания томонидан мамлакатимизда аҳолининг суғурта маданиятини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида эълон қилинган «Суғурта фаолияти – журналистлар нигоҳида» танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

*Наргиз АҲМЕДОВА.*

# ТИФ Миллий банки – маънавий-маданий меросимиз тарғиботчиси

**Мамлакатимиз Мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тасвирий санъат галереясида муассаса тўпламидан иборат асарлар кўргазмаси очилди.**



Маълумки, ТИФ Миллий банки мамлакатимизнинг маънавий ва маданий-тарихий ҳаёти ҳамда унинг бадиий мулкини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, муассаса Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси фаолиятини қўллаб-қувватлаш асносида ўзбек халқининг санъат асарларини сақлаб қолиш ҳамда кенг намойиш этиш орқали жамоатчилик, қолаверса, хорижий меҳмонларни юртимизнинг бой маданияти ва тасвирий санъати билан таништиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шунингдек, банк ушбу йўналишдаги фаолияти билан ўз санъат асарлари тўпламини бойитиб, юртимизнинг тарихий-маданий меросини сақлаб қолишдек улкан мақсадини ҳам илгари сурмоқда.

Мазкур кўргазма экспозициясидан ўтган 26 йил мобайнида ТИФ Миллий банки тўплами учун сотиб олинган ҳамда замонавий ўзбек рассомлари томонидан туҳфа тариқасида тақдим этилган сара асарлар ўрин олган. Унда турли авлод рассомларининг XX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистон тасвирий санъатининг ривожланиш босқичларини қамраб олган графика йўналишидаги асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада ҳар бир асарни кузатар экансиз, уларда қоғозларга жо бўлган ўзгача шакллар, чизгилар дунёси ҳамда бир-бирини такрорламас қиёфалар акс этганига гувоҳ бўласиз. Ҳар бир ижодкорнинг асари мавзу, мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир-бирини такрорламайди. Айниқса, улар чизиқ ва шаклларнинг ижроси, қатъий композицияга асосланиши, бадиий дид, моҳирликнинг нозик ва нафис шоирона талқини, усул ва услублари билан ажралиб туради. Тўпламда қиёфалар ва ҳолатларни кўрсатиш билан бир қаторда адабий асарларимизни бадиий безаш учун қўлланиладиган график тасвирлар ҳам мавжуд.

Кўргазмада Ч. Ахмаров, М. Кагаров, Н. Шин, П. Анненков, Б. Жалолов, М. Фозилий, Т. Фадеева ва В. Усеинов сингари ўнга яқин графика усталари ҳамда 5-6 сулола алмашган моҳир ҳайкалтарошлар – Ўрақов, А. Хотамов, Д. Тожимуратов ва К. Норхўрозовларнинг санъатга доир асарлари томошабинларнинг катта қизиқишига сазовор бўлмоқда.

Қайд этиб ўтиш жоиз, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси фаолиятида замонавий босқичда ТИФ Миллий банки коллекцияларини тўлдириш ишлари фаол давом этмоқда. Бугунги кунда ушбу банк коллекцияси қарийб 440 та рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ҳамда 20 га яқин тарихий монетлар билан бойитилган.

Кўргазма шу йилнинг 15 сентябрига қадар давом этади.

*Назира МАВЛОНОВА.*

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*
*«Norma Hamkor» МЧЖ*
*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*

БОШ МУҲАРРИР
*А.Н. НАЗАРОВ*
Нашр учун масъул
*З.М. ЭРНАЗАРОВА*
ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
ДИРЕКТОР
*Р.Л. ВАЛИЕВ*
Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА
ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:
100060, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz
Реклама ва эълонлар учун 232-45-32 телефони орқали мурожаат қилинг.
Факс: 232-43-98.
Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

*Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.*
*Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.*
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан **2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами** билан рўйхатга олинган.
*Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.*
Буюртма № 1131.
Адади 4753 нусха.
*Нархи шартнома асосида.*
Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 6.09.2017 й., 9.00.

«TOPRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш., Миробод тумани, Толлимаржон кўчаси, 1/1-уй.